

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ОРНИТОНИМЛАР

Дилноза ЙЎЛДОШЕВА
мустақил тадқиқотчи,
Самарқанд давлат университети

XX аср ўзбек шеъриятида турли хил қуш номлари (орнитонимлар) образли фикр ифодалаш, ўхшатиш, метафора, сифатлаш сингари тасвирий воситалар ҳосил қилишда кенг қўлланилган. Ўзбек адабиётида Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ойбек, Саид Аҳмад, Абдулла Қодирийларнинг ижодида орнитонимларнинг муҳим услубий воситалардан бири сифатида қўлланилгани олдинги мақолаларда кўрсатилган.

Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Чўлпон ҳақиқат ва ҳурликни эътиқодга айлантирган ижодкорлардан бири эди. У ўз шеърларида самимийликни, таъсирчанликни, жозибадорликни акс эттириб, бошқалардан фарқланган ҳолда ўзининг шеърият дунёсини яратди. Унинг “Бузилган ўлкага”, “Қаландар ишқи”, “Кўклам қайғуси”, “Суйган чоғларда”, “Созим” каби шеърларида орнитонимлардан намуналар кўришимиз мумкин.

“Булбул” орнитоними жуда азалдан шеъриятда муҳим услубий восита вазифасини бажариб келмоқда. Ўзбек адабиётида *булбул* ҳақида шеър ёзган, унга мурожаат этиб, ўз ички ҳис-туйғуларини ифодалаган шоирлар жуда кўп. Серқирра ижодкор, истеъдодли шоир Чўлпоннинг шеърларида ҳам бунинг яққол мисолини кўришимиз мумкин. Унинг “Қаландар ишқи” номли шеъри жами олти байтдан иборат бўлиб, унинг тўртинчи байти қуйидагича: *Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим, / Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку. Ёки унинг “Кўклам қайғуси” номли шеърида булбул орнитоними қуйидагича ифодаланган : Кўм-кўк майса ўртасида бир гулдир / Кўп йиғладим... ёшларимни қатор чиз / Ва қаршимизда гўзал қизни бир кулдир! / Кўклам чоғи... Сайроқ булбул сайрамас, / На учунким, танбуримнинг тили йўқ.*

“Суйган чоғларда” шеърида эса орнитонимлар қуйидагича тасвирланган: *Гўзалларнинг малика экансан, / Бунни сенинг кўзларингдан ўқидим. / Ўқидим-да истиқболим қушига / Хаёлимдан олтин қафас тўқидим. / Гунафшалар қулоғимга мадҳингни / Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади... / Аламзада булбул йиғлаб, кечалар / Аламингнинг сўнгин тамом етмади.*

Чўлпоннинг “Созим” номли шеърида ҳам булбул орнитонимини учратишимиз мумкин: *Самовий завқларга тўлиб турганман / Булбуллар севгини мақтаган дамда!*

Баъзан қуш номларини бир мисрада ёнма-ён такрор қўллаш ҳам муҳим услубий восита вазифасини бажаради. Масалан, Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага”

шеърида “*бургут ва сор*” орнитонимларининг санаш оҳанги худди шундай услубий қимматга эга бўлган: *Учар қушдай ёш йигитлар қаерда? // Тоғ эгаси: сор, бургутлар қаерда?* каби мисралар билан тасвирланган.

Ўзбек шеъриятида “қуш каби”, “қушдай” ўхшатиш кенг қўлланади ҳамда муҳим услубий восита вазифасини бажаради. *От минганда қушлар каби учгувчи, // Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи. / От чопганда учар қушни тутгувчи, // Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?*

Юқорида келтирилган сатрларда шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг инсон меҳнатига берган юксак баҳоси “булбул” орнитонимини қўллаш асосида ифодаланган. Бундан кўринадики, Чўлпон шеъриятида орнитонимлардан услубий мақсадда фойдаланиш салмоқли ўрин эгаллар экан, шоирнинг бадиий маҳоратини кўрсатишда улар муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адабиёт: Умумий ва ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик –мажмуа / Қ.Йўлдошев, Б. Қосимов, В. Қосимов, Ж. Йўлдошбеков. – Т.:”Шарқ”, - 301-309 бетлар.
2. Адабиёт: Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. Қайта ишланган 2-нашри. / Қ.Йўлдошев, В. Қодиров, Ж.Йўлдошбеков. – Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2010. 143-151 бетлар.